

Фарзандни ким тарбиялайди?

16:03 / 24.04.2016 2673

Менинг уч ўғлим бор. Ўзим ишлайман ва аёлим ҳам ишлаш хоҳишини билдирмоқда. Лекин мени кўпроқ фарзандларим тарбияси ўйлантиради. Ислонда аслида фарзандларга ким тарбия бериши керак: отами ёки онами?

ЖАВОБ: Ислонда фарзандлар тарбияси ота-онанинг зиммасида. «Боланинг тарбияси аёл зиммасида, улар тарбияси билан ишим йўқ. Кўчага чиқиб ишлашим керак», деган маънода ота ўзини тарбиядан озод қилиб, масъулиятсизлик қилиши мумкин эмас. Фарзандларнинг тарбиясида отанинг ҳам, онанинг ҳам ўзига яраша бурч-вазифалари бор. Мана шу вазифаларни ўз жойида ҳар бир киши қойилмақом қилиб бажариши зарур.

Албатта уй ичидаги болалар тарбияси оналар зиммасида бўлади. Чунки оналар уларни қоринда кўтариб юришлари, туғишлари ва эмизиб катта қилишлари лозим. Шундан кейин ҳам фарзандлар тарбиясига эътибор бериш, унга ахлоқ-одоб ўргатишда аёлларнинг масъулияти кўпроқ бўлади.

Оилани моддий тарафдан таъминлаш, яъни турар жой, озиқ-овқат, кийим-кечак таъминоти ва шунингдек истироҳат, даволаниш, дам олиш ва шунга ўхшаш қандай сарф-харажат бўлса, эркакнинг, отанинг зиммасидаги вожиб (шарт) ҳисобланади. Аёли ва фарзандлари нафақаси оила бошлиғи бўлган эркакка вожиб амалдир. Эркак киши ўз оиласини тебратишга қурби етаётган бўлса, аёлнинг талаб-истаклари, фарзандларининг тарбиясига етадиган сарф-харажатни топаётган бўлса, аёлига фарзандлар тарбияси ўта муҳим экани, бу иш бошқа вазифалардан устунлигини яхшилаб тушунтириш, шу боис фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор беришни илтимос ва таклиф қилишга албатта эркакнинг ҳаққи бўлади. Бу нарса ўзаро келишиб, тушунган ҳолда адо этилса, иншааллоҳ, оилалар мустаҳкам, орадаги муҳаббатлар бардавом ва болалар тарбияси қойилмақом бўлади (Аллоҳ билувчидир).